

ШЕРОБОД ҲАЁТИ



Халқ депутатлари Шеробод туман Кенгаши ва туман ҳокимлиги нашри

2021 йил 8 март, № 5 (8297) Душанба. Электрон почта: sherobod_gazeta@inbox.uz — Газета 1932 йилдан чиқа бошлаган

СИЗЛАР ФАХРИМИЗСИЗ...



Зиёдулло ДАВЛАТОВ, Шеробод туман ҳокими

Айни пайтда туманимизда аёл-қизларимиз, Мухтарам онажон-буви-жонларимиз 97350 нафарни ташкил этади.

Оилаларимиз гултожиси ҳисобланган Мухтарам аёл-қизларимизга муносиб турмуш тарзини яратиш — давлат сийёсатига айланган.

Мухтарам Президентимиз томонидан аёллар ва ўғил-қизларимизнинг бандлигини таъминлаш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани ҳам ҳар бир хонадон фаровонлигини янада яхшилашга қаратилгани билан янада муҳимдир.

Фурсатдан фойдаланиб, барча онажонларимиз ва опа-сингилларимизни 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами билан саримий кутлаб қоламан.

Ҳар баҳорда кўклам келиши билан 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни кўпгина давлатларда аёллар байрами сифатида кенг нишонланади. Аслида ҳам оналаримиз, опа-сингилларимизни табриклашимиз, уларни кўнгилларини шод этишимиз барчамизга завқ бағишлайди. Мамлакатимизда кечаётган ислохотларга турли соҳаларда камарбаста бўлиб, ибрат намунасини кўрсатиб келаётган хотин-қизларимиз билан ҳам ҳақиқи равишда фахрланамиз.



ДАВЛАТ МУКОФОТИ МУБОРАК БЎЛСИН!

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан фидойи аёлларимиздан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисидаги Фармони имзолади.

Мукофотланганлар орасида, Шеробод туманидаги яқка тартибдаги тадбиркор, пайвандчи аёл Шарипова Насиба Холидиновна ҳам «Меҳнат шухрати» ордени билан тақдирланди. Барча тумандошларимиз хотин-қизларимиз орасида чинаккам меҳнат намунасини кўрсатган, ўз касбининг фидойиси Насиба Холидиновна ушбу нуфузли мукофот билани чин дилдан кутлаб қолади.



«Бирор тадбиркорлик қилмоқчи, ё ўзини-ўзи иш билан таъминламоқчи бўлган фуқаронинг эстагига зулуқдек ёпишиб олган, «тирилай» талайдиганлар ҳали ҳам «Ўлмаган» экан-а?», «деди бир масъул идора раҳбари котибаси хонасида кута туриб, ҳорж хабарларини кўраётган Деҳқонқобо.

—Ия, нима деярсиз?... Сиз бугунги сийёсатимизга, Президентимизга қаршимиз?...», дея бо-

УЛУҒЛАР НАЗДИДА АЁЛ...

—Аёлларга чиройли муомала қилишда Расулulloх саллаллоху алайҳи васаллам бутун инсониятга намуна бўладилар. Аёл номини улуғлаш, унинг шаънини кўтариш, хотин-қизларнинг ҳуқуқини белгилаб беришда нафақат Исроом оламига, балки бутун жамиятга ибратдирлар. У Зоғнинг муборак охириги васиятларида бундай машҳур жумлалар бор эди: «Огоҳ бўлинглар, аёлларга яхши муомала қилинглар!»

Имом ТЕРМИЗИЙ
—Исроом жамиятида энг катта ҳурматга лойиқ зот — аёл, она ҳисобланади.

Аннамарие ШИММЕЛ, олмониялик машҳур олима

АЁЛ-ҚИЗЛАРГА ЭҲТИРОМ

—Аёл-қизларимизга юксак эҳтиром кўрсатиш — азалий қадриятларимиздан биридир. Соҳибқирон Амир Темурнинг: «Аёлларга имкон қадар илқ муомалада бўлишга ҳаракат қилдим», деган ҳикматли сўзлари асрлар орасида, ўз моҳиятини йўқотмаган. Қадимдан аёлни эъзозлаган давлат гуллаб яшнаган, раванқ топган. Аёлни ардоқлаган оила эса бу дунёнинг жаннатига эришган. Ички ишлар соҳасида ҳам кўплаб опа-сингилларимиз азиз ватанимизни кўз қорачигидек асрашда муносиб хизмат намунасини кўрсатиб келаётгани ҳам, бу-нозик қалб эгаларининг чексиз садоқат эгаси эканликларидан ҳам далолатдир.

Оилаларимиз файзу-таровати бўлган мунис опа-сингиллар, байрамимиз кутлуғ бўлсин.

Ўткир ШУКУРОВ, туман ИИБ бошлиғи, подполковник

ХОНАДОНЛАР АРДОҒИ

—Ҳақиқий бахт, аёлининг қизларининг юзларидаги сеvincдир. Хонадонларимиз ардоғи бўлган хотин-қизларимизга ҳаммаша муқаррамлик, сихат-саломатлик тилаб қоламан. Гузаллик, назокат тимсоли — СИЗ меҳрибонлар чин маънода оилаларимиз ва жамиятимиз кўрки бўлиб келгансизлар. Байрамларингиз муборак бўлсин, азиз онажонлар, опа-сингиллар!

Шухрат ЖУМАЕВ, туман ДСИ бошлиғи

Очиқ-сочиқ аччиқ гаплар

ҚАРОР ҚАТЪИЙ, ШИКОЯТГА ЎРИН ЙЎҚ

бога юзланди котиба. —Йўғ-е... бу қайсидир давлатда, болам... Аҳолига банк 14 фоизга бераётган кредити қайсидир «уддабурун»нинг «ёрдами» билан таъминотчиға ўтказиб берилаётгани, таъминотчи эса «куниш» теккан 2 сўмлик хўрозини 4 сўмдан, бор вази аранг 2 миллионга тортадиган сигирини 5 миллионга берадиган ёки муштдек келадиган тўртта кўенини қафаси билан нақд 3,5 миллиондан берадиган уddaбурун таъминотчилар ва мутасаддилар ҳақида эшитдим... хо... хо... холос... Бизда бу номъ-кулчилик йўқ, Оллоҳга шукр...

Котиба: —Бизда бир амаллаб сарсон-саргардон бўлиб, олган кредитга ҳам фоиз тўлаб, ҳам таъминотчиға ўлгон тўлаётганлар, халқнинг қарғишиға қолаётган раҳбарлар, арзимаган 30 миллион кредитининг ҳам 14 фоиз устамасини тўлаши етмагандек, ҳам таъминотчининг ҳаром ўлгур сигирини икки баравар қимматга олишга мажбур бўлаётганлар йўқдир-ов...

—Худди шундай болам... Биз халқни қўллаб-қувватлаймиз, улар ҳам даромадли бўлсин, фойда кўриб туй қилсин-да. Ҳам энди, ҳам буйидан урсангиз, кам таъминланган оиланинг қосаси оқарармиди... 14 фоиздан олаётган кредити 30-40 фоизга айланиб кетадику, бечоранинг...

Ие... болам, сизнинг мана бу қозонингиз ҳам «таъминотчи» деган жой борга ўхшайди-ми?

—Бу —у-у эҳтиёт шарт ёзилган. Мабодо қидирган нарсангизни тополмай қолсангиз, улар сизнинг беиминнат ҳизматингизда. Аммо биз ҳам ижрочи, бошқа савол берманг, чуқурлашиш, сийёсага аралашш ваколатимга кирмайди, отахон. «Қарор қатъий, шикоятга ўрин йўқ»...

Алиёр РАҲАБОВ, журналист



АЁЛ — НОЗИК ҚАЛБ ЭГАЛАРИНИ ҚАНЧА ЭЪЗОЗЛАСАК КАМ

Йигитлар мактубин битганда қондан, Келинлар фироқдан чекканда ёғу, Унинг ҳам паноҳи қайтмади жангдан, Ўн тўққиз ёшида бева қолди у.

Севгидан етиму, умрдан ярим, Қуриган кўксида ёлғиз беланчак, Абадий фироқни, ҳайҳот, дўстларим, Абадий висол деб билди келинчак.

Қақраган лабларда оловли нафас, Кечалар кечмишин айлади кўмир, Паршон сочлари ёр кўкси эмас, Муздайин болишда қолди бир умр.

Йиллар ҳам ўтдилар, ҳамон у ёлғиз, Мунгайиб термулар ботгувчи кунга.

Эй номард табиат, борми сенда хис, Қайтадан бахт берсанг, бўлмасми унга?!

Наҳот ишқ қисмати бунча бераҳм, Бунчалар буюксан — вафо шеvasи, Сенгадир ҳурматим, сенга шарафим, Қахрамон жангчининг содиқ беваси.

Сиз-чи эй, садоқат сатридан нолиб, Надомат қомида қолганлар, айтинг. Ўзини минг битта бозордан олиб, Минг битта бозорга солганлар, айтинг.

Шу чўлпон кўзларнинг буюк ҳурмати, Шу ақиқ лабларнинг рост сўзи дея, Сўйланг-чи, вафонинг надир қиммати, Сиз ҳам кутганмисиз, бирор сония?!

Баъзида тирноқлар безаги учун Саҳардан шомгача қилурсиз тоқат. Бироқ ёрингизни кутгани нечун Топилмас тирноқча сабуру-қаноат.

Назоқат пайтимас, яқинроқ келинг, Буюк зот қошида айлангиз салом, Шу содиқ бевага саждалар қилинг, Шу содиқ бевага айланг эҳтиром.

Ҳатто зеб-зийнатни юлқиб зиёда, Хайкал ҳам кўйингиз бамисли ҳаёл, Шундайлар бўлмаса, агар дунёда, Бу қадар Мухтарам бўлмасди аёл.

Абдулла ОРИПОВ, Ўзбекистон Қахрамони



СЕРТИФИКАТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Президентимиз томонидан ўтган йилнинг 25 декабрида бўлиб ўтган «Ўзбекистон ёшлар форуми»да «Хар бир тадбиркор — ёшларга мададкор» ташаббуси илгари сурилган эди. Ушбу ташаббус тамойили асосида, «Ёшлар: 1+1» доирасида туманда 2021 йил 464 нафар ёшларни тадбиркорлик ҳамда хунармандчиликка кенг жалб этиш ва уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида Шеробод тумани касб-хунарға ўқитиш маркази, Шеробод Педагогика коллежи ва Шеробод 2-сонли касб-хунар мактабларида 6 кун давомида 48 соатлик ўқитиш курслари жадал асосида олиб борилмоқда.

Бугун туман Ахборот-кутубхона марказида ҳоким ўринбосари М.Чориев ва бошқа масъуллар иштирокида махсус курсларни тасдиқлаш мақсадида дастлабки 12 нафарига сертификатлар топширилди. Барча ёшлар босқичма-босқич ўқитиш курсларида ўқитилди.

БИЗ СИЗНИ СОҒИНДИК, СИЗЧИ?

Туман марказий ўйингоҳида «Биз сизни соғиндик, сизчи?» шиори остида катта гаала концерт бўлиб ўтди.

Унда туман маданият бўлими, 8-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактаби ҳамда вилоят Маданият бошқармаси тасарруфидаги ташкилотлар бадий жамоалари ўз чиқишлари билан тадбир иштирокчиларини хушнуд этди.

ЗУЛФИЯХОНИМ ИЗДОШЛАРИ

Шеробод Абу Али ибн Сино номидаги Жамоат саломатлиги техникумида 1-босқич «Ҳамширалик иши» бўлимидаги гуруҳлар ўртасида Зулфияхоним таваллудининг 106 йиллигига бағишланган «Зулфияхоним издошлари» кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Бешта шарт бўйича кечган қизин беллашувлар якунига кўра, биринчи ўринни «Ҳамшира-5», 2-ўринни «Ҳамшира-1», 3-ўринни эса «Ҳамшира-6» жамоалари эгаллашди. Бундан ташқари, таълим муассасасида баҳор куйчиси Зулфияхоним Исроилованинг ижодига бағишланган ижодий кечалар бўлиб ўтди.

ИФТИХОРЛАРИМИЗ

2021 йилда Президентимиз Қарорига асосан бир гуруҳ иқтидорли қизлар Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирландилар. Улар орасида Ўзбекистон шахмат Федерациясининг Халқаро шахмат академияси спортчи-ўқувчиси, Ўзбекистоннинг энг кучли шахматчиси, шерободлик Умида Омонова ҳам бор.

Умида 2006 йилда Шеробод туманидаги «Деҳқонарик» махал-

ласида таваллуд топган. У тумандаги 21-сонли умумтаълим мактабида таҳсил олган.

Ўз ёши тоифасида рапид ва блиц ва стандарт йўналишларида Жаҳон чемпиони, шунингдек, рапид ва блиц йўналишларида ўқувчилар ўртасидаги Осиё чемпионатининг мутлоқ чемпиони ҳисобланган.

Умида ушбу нуфузли Давлат мукофоти билан чин орақдан муборакбод этиб қоламиз.

СУДЬЯ ВА ЁШЛАР

Шеробод туманларо иқтисодий ва фуқаролик ишлари бўйича судлари томонидан туман Ёшлар ишлари агентлиги ҳамкорлигида ёшлар даврасида «Судья ва ёшлар» учрашуви бўлиб ўтди.

Унда «2021 йил-Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили» Давлат дастуридан келиб чиқадиган мақсад ва вазифалар, ҳуқуқий билимини тақомиллаштириш шароитлар каби масалаларда кенг мулоҳазалар билдирилди.

ТАБИАТ КЎЙИНИДА МЕДИАТУР

Мамлакатимизда хушманзара, кишини ўзига чорлаб келадиган манзилларимиз талайгина. Биргина воҳамизда ҳам барчани ўзига ром этиб келаётган бетакрор табиат билан ҳақли равишда фахрланамиз. Шеробод туманида ҳам ана шундай Богли дара, Танги дара, Шолкон, Вандоб, Хўжанқо, Қизилолма, Кампиртепа каби гўзал манзиллар воҳодларимизнинг сеvimли кадамжоларига айланган.

192 тур ҳайвонот ва 810 тур ўсимлик дунёсини ўзида жам қилган Шеробод тумани Кўхитанг тоғ тизмалари бағрида жойлашган Сурхон давлат кўриқхонасида журналистлар ва соҳа ходимлари иштирокида медиатур ташкил этилди. Маълумот учун ушбу ноёб ўсимликлардан 29 номдагиси ва 18 турдаги ҳайвонлар Ўзбекистон «Қизил китоб»ига киритилган. Туманнинг шимолий-ғарбий қисмидаги флора ва фауна билан яқиндан танишиш мақсадида ташкил этилган ушбу тадбир барчада катта таассурот қолдирди.

ДЕПУТАТЛАР ҲУДУДЛАРДА

Айни кунларда Халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари ўз сайлов округидаги маҳалларда кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида ободонлаштириш ва кўкаллаштириш ишларини олиб боришмоқда. Ўз ўрнида аҳоли турмуш тарзини яхшилаш мақсадида масъул идора вакиллари масъулиятини ошириш ҳамда депутатлар сўровига жавоб бериш тартиблари ҳусусида сўз борди.

КАСБИДАН ФАХР ТОПГАН ЙИГИТ

Ўз касбининг ортидан ҳалол ризқ топиш рўзгорга барака олиб киради. Айниқса, катта жамоада меҳнат қилиб, раҳбарият олдига, қолаверса, касбдошларинг орасида ҳурмат қозониш янада залворлиқроқ вазифа, - дейди лавҳамис қаҳрамони, мустақиллик тенгдоши Сайфулло Астанақулов. -Менга ишониб топширилган автомашина ҳаммаша шай ҳолатда туради. Уни ҳар куни техник назоратдан ўтказаман. Сўнгра раҳбарият топширигини бажариш учун шифокор кўригидан ўтиб, йўл арақасини олган, масъул ҳарбий хизматчи ҳамроҳлигида йўлга отланаман, кўзланган манзилга соғ-саломат етиб боришда, энг аввало, автоуловингизнинг нечоғли соғлиги, техник шайлиги муҳим ўрин тутади. Негаки, қир-адирликлар, тоғ ёнбағирлари бўйлаб, ҳаракатланамиз. Тўғри, баъзан майда қўлда камчиликлар, масалан, балон ёрилиши каби ҳолатлар учраб туради. Энди бу техника, гоҳида шунақаси ҳам бўлиб туради-да, - дейди кулиб Сайфулло Астанақулов ва сўзида давом этади. -Мактабни тугатган, ҳайдовчилик курсида ўқидим. Туманимиздаги Музработ кичик ва ўрта бизнес коллежини муваффақиятли татомлаб, ўзим ёқтирган касбга меҳр қўйдим. Шукурким, кам бўлгани йўқ.

техника сир-асрорларини янада чуқурроқ ва мукамалроқ билишда устозларимнинг хизматлари катта. Айниқса, майор Ш.Оттабеков, капитан М.Қаюмов, кичик сержант О.Шомуродовларнинг ҳиссаси бор. Шунингдек, устозларим Қаноун Худойбердиев ҳамда Баҳодир Қорабоевларнинг панду-насихатларига, ҳаммаша кулоқ соламан, улар бор билимларини менга ўргатишади.

Ҳа, инсон ўзи севган касбига меҳр қўйса, ишида унум бўлади, кўнглида эса хотиржамлик ҳисси фуруриб туради. Сайфулло Астанақулов ҳам ҳайдовчилик касбини танлаб адашмади. Унинг орқасидан рўзгори бут, оиласи фаровон. Ҳар куни эрталаб ишга отланар экан, меҳрибон онажонининг оқ фотиҳасини олиб ишхона томон ошдики. Ҳарбий қисм раҳбарияти берган топшириқларни ҳалол ва виждонан бажаришга ҳаракат қилади. Мана, бугун ҳам ана шундай муҳим топшириқни бажариш учун 120 чақиримдан узоқроқда жойлашган Хомкон тоғ ёнбағирлари бўйлаб отланмоқда. Юрт сарҳадларини қўриқлашда ҳарбийларимизга кўмак ва елкадош бўлаётган ҳайдовчимизга оқ йўл тилаб, сафарингиз бехатар бўлсин деб қоламиз.

**Сайдулла ШОБЕРДИЕВ,
ДХХ чегара кўшинлари
хизматчиси**

Ҳарбий қисмга ишга ўтган,

Сироҷиддин БҮРИЕВ, Шеробод туман жомъе масжиди имом хатиби

Аёллар исломда она, опа-сингил, жуфти ҳалол ва киз сифатида ҳурматланади. Улар мерос олади ва мерос қолдиради, ниҳода розилиги сўралади. Улар доимо эркак қариндошлари таъминоти остида бўлишади. Қуръони каримнинг ўндан ортиқ су-

лига бир нечта масалаларда аёлларнинг руҳий, жисмоний ҳолати эътиборга олинган, уларга икром кўрсатилган, енгиллик берилган.

Афсуски, ҳозиргача киз фарзанд дунёга келса, хафа бўлиш, ўғил туғмадинг, деб хотинига зугум ўтказиш ҳоллари кузатишмоқда. Ваҳоланки, Пайгамбаримиз алайҳиссалом бизга киз фарзандларни чиройли таъминот қилиш, тарбиялаб, турмушга уза-тиш жаннатдаги олий мартаба-

да ишлашига таъқиқ йўқ, балки бу масала аёл, оила ва жамиятнинг манфаатларидан келиб чиқиб, ҳал қилинмоғи лозимлиги кўзда тутилган.

Маълумки, ҳозирги кунда ҳам юртимизда аёлларнинг ўзларига муносиб ишлар билан таъминлаш, тadbиркорлик қилишлари учун шароит яратиш, маҳалларда «Аёллар дафтари» очилиши ва бу бўйича ноҳор аёлларга ёрдам берилиши, ёлғиз аёлларга имтиёзли уйлар ажратилиши

ИСЛОМДА АЁЛЛАР ҲУҚУҚИ

раларида ва кўплаб ҳадиси шариҳда аёлларга тегишли ҳукмлар мавжуд. Хатто Қуръони каримнинг катта сураларидан бири «Нисо» («Аёллар») деб номланган. Буларнинг ҳаммаси Исрол динида аёлларга бўлган юксак эътибордир.

Аёллар турли ибодат ва яхшиликлар учун савоб олишда ҳам эркаклар билан баробардирлар. Бу ҳақида Оллоҳ-таоло шундай деб марҳамат қилади: яъни: «Оллоҳ мўминлар ва мўминаларига оғирдан анҳорлар оқиб тура-диган, мангу яшаладиган жаннат (боғ)ларидики ёқимли масканларни ваъда қилди» (Тавба сураси, 72-оят).

Аёл кишига Оллоҳ-таоло икки масалада масъулият юклади, бири-жуфти унум руҳий, маънавий хотиржамлик, сукунат бўлиш, иккинчиси-фарзанд дунёга келтириш ва унга ғамхўрлик қилиш машаққатлари. Шариятимизда шу залворли машаққатлар муқоби-

ларга сабаб бўлишини ўқитиладиган аёлларга тегишли ҳукмлар мавжуд. Хатто Қуръони каримнинг катта сураларидан бири «Нисо» («Аёллар») деб номланган. Буларнинг ҳаммаси Исрол динида аёлларга бўлган юксак эътибордир.

Аёллар турли ибодат ва яхшиликлар учун савоб олишда ҳам эркаклар билан баробардирлар. Бу ҳақида Оллоҳ-таоло шундай деб марҳамат қилади: яъни: «Оллоҳ мўминлар ва мўминаларига оғирдан анҳорлар оқиб тура-диган, мангу яшаладиган жаннат (боғ)ларидики ёқимли масканларни ваъда қилди» (Тавба сураси, 72-оят).

Аёл кишига Оллоҳ-таоло икки масалада масъулият юклади, бири-жуфти унум руҳий, маънавий хотиржамлик, сукунат бўлиш, иккинчиси-фарзанд дунёга келтириш ва унга ғамхўрлик қилиш машаққатлари. Шариятимизда шу залворли машаққатлар муқоби-

каби аёлларни қўллаб-қувватлаш ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, аёллар эҳтиром учун бизнинг юртда ҳам 8 март - Халқаро хотин-қизлар куни байрами сифатида белгиланган. Шунини таъкидлашимиз лозимки, 8 март куни сабабли фақат шу кун билан чекланиш керак эмас, балки уларни доимо эъзозлаб, ҳурмат қилишимиз зарур бўлади.

Хулоса шуки, бундан бир асрдан кўпроқ 8 март кунинда аёлларни эъзозлаб, уларнинг ҳақ ҳуқуқлари ҳимоя қилиб чиқилган бўлса, динимизнинг асосий ман-лиги «Каломуллоҳ»да 14 асрдан зиёдрок вақт аввал аёлни эъзозлаш илоҳий амр билан буюрилган.

Шундай экан, аёл-қиз ва она-ларимизни нафақат бир кун, балки йил ўн икки ой эъзозлашимиз -муқаддас ислом динимизнинг асосий қоидаларидан бири ҳисобланади.

КИТОБ СОВҒАСИ УЛАШИЛДИ



Туман Ахборот-кутубхона маркази турли ёшдаги ва турли соҳа вакиллари билан доимо ғавжум. Бу ердан китобхонлар ҳар кун уларига зарур бўлган бадий, илмий, болалар адабиётига оид китобларни мутлола қиладилар.

Яқинда туман Ахборот-кутубхона марказида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 та муҳим ташаббуси ижросини таъминлаш мақсадида «Очқ эшиклар кўни» ташкил этилди.

Тadbирда туман маънавият ва маърифат бўлими, туман Ички ишлар бўлими вакиллари ижодкор ўқувчи-ёшлар ҳамда ота-оналар иштирок этишди. Ушбу «Очқ эшиклар кўни»да китоб ямаркаси ҳам ташкил этилиб, унда «кутубхонага китоб совға қиламан» акцияси ўтказилди. 14 ёшдан 30

ёшгача бўлган Ахборот-кутубхона марказининг энг фаол китобхонларидан беш нафарига туман Ички ишлар бўлими бошлиғи, подполковник, 3-сектор раҳбари Уткир Шукуров томонидан фахрий ёриқ ҳамда китоблар тўплами совға қилинди.

Ўтказилаётган бу каби тadbирларнинг аҳамияти жиҳати шундаки, бу ерда ташриф буюрган ҳар бир ўқувчининг китобга бўлган қизиқишини ошириш билан бирга унинг онги ва дунёқарашининг шаклланишига, тасаввурининг янада бойишига хизмат қилади.

**Ўқтам ШУКУРОВ,
туман ИИБ бошлигининг
тарбиявий ишлар бўйича
ўринбосари, майор**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолига давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдам тақдим этиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Факултада вазиятлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат хавфсизлиги хизмати, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлиги хизмати, Давлат божиноа кўмитаси Мудофаа сананои давлат кўмитаси ўзларининг ҳамда таркибидики ташкилотларнинг хизматчилари ва ходимлари, уларнинг оила-аъзолари (турмуш ўртоғи ва бо-

ҚАРОР ВА ИЖРО

лалари) томонидан ижтимоий нафақалар ва кам таъминланган оилалар учун назарда тутилган бошқа давлат ижтимоий хизматларини олиш учун «Ижтимоий химоя ягона реестри» ахборот тизими орқали аризалар тақдим этилиши чеклаш ва уларнинг кўриб чиқилишига йўл қўймаслик чораларини кўриш вазифаси юкланган.

Қарорда қўрсатилишича, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги 2021 йил 1 январга қадар «ФХДЕ нинг ягона электрон архиви» ахборот тизи-

таъминланган оилаларга ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш учун Вазирлар Мақамасига киритилди.

Худди шунингдек, халқаро экспертларни жалб қилган ҳолда аҳолига давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдам тақдим этишининг ягона тизимини жорий этиш, ижтимоий нафақаларни тақдимлари ва ёрдамни тайинлашда асос қилиб олинадиган муҳтожликни аниқлаш мезонларини тақомиллаштириш юзасидан Вазирлар Мақамасига тақлим киритилди.

**Фарҳод ҚОРАЛИЕВ,
туман бюджетдан ташқари
пенсия жамғармаси
шубъа мудири**

ШЕРОБОД «ПАРЛАМЕНТ ЎЙИНЛАРИ» СПОРТ МУСОБАҚАСИ ЎТКАЗИЛДИ

Шеробод тумани Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти, туман (шаҳар) кенгашлари депутатлари ўртасида волейбол ва стол тенниси турлари бўйича ўтказилаётган «Парламент ўйинлари» спорт мусобақасининг худудий бўлиб ўтказилди. Мазкур ўйинда халқ депутатлари Шеробод, Қизилрик, Музработ ва Бойсун туманлари Кенгаши котибияти ходимларидан иборат жа-

моалар иштирок этишди. Ўйин якунларига кўра, «Парламент ўйинлари» спорт мусобақасининг волейбол тури бўйича худудий босқичи голиби халқ депутатлари Шеробод тумани Кенгаши жамоаси, эркаклар ўртасида стол тенниси тури бўйича худудий босқичи голиби Халқ депутатлари Кизилрик тумани Кенгаши жамоаси, аёллар ўртасида стол тенниси тури бўйича худудий босқичи голиби Халқ депутатлари

Музработ тумани Кенгаши жамоаси вилоят босқичида иштирок этишди.

Спорт -саломатлик гарови ҳисобланади. Шундай экан, бугунги кунда барчамиз соғлиғимиз йўлида ҳар кун эрталаб жисмоний машқ қилишга одатланмоғимиз керак.

**Тургун МИРЗАЕВ,
Шеробод тумани Кенгаши
котибият мудири, туман
Кенгаши депутати**

ИЛМСИЗ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎҚ

**Абдурашид РАМАЗАНОВ,
21-сонли мактабнинг ўқув
ишлари бўйича директор
ўринбосари
Холмирза ЖҲРАЕВ,
технология фани ўқитувчиси**

Ўсиб келаётган ёш авлод тақдир йўлини белгилашда хато иш қилиб бўлмайди. Бу борада улғ мутафаккирларимиздан бири, - «Болалар ота-оналарига берилган бир омонатдир. Боланинг қалби ҳар қандай нақш-у тасвирдан холи бир қимматбахор гавҳардир. У қандай нақш солинса, қабул қилади, қаёққа буқилса, эгилади. Агар яхшиликка ўргатилса, шу билан ўсади ва дунё-ю охиратда саодатга эришади. Унинг савобига ота-онаси ҳам, ҳар бир муаллим-у устозлари ҳам шерик бўладилар. Агар ёмонликка одатлантилса, ҳайвонлардек ўз ҳолига ташлаб қўйилса, охир-оқибат ҳалок бўлади. Гуноҳи эса, унинг тарбияси учун жавобгар бўлганларнинг гарданига тушади», деб ҳақ сўзини айтиганлар. Чиндан ҳам, фарзанд таълим-тарбиясида шошма-шошарлик, эътиборсизликка йўл қўйиб бўлмайди.

шимиз лозим. Мактаб-фақатгина таълим берадиган маскан эмас, барчамиз учун юксак маънавият бешигига, фарзандларимизни болаликдан бошлаб касбга ўргатувчи даргоҳга айланиши зарур», деб муҳим масалани ўртага ташлаган эдилар. Зеро мактаб-жамият, халқ мулки. Мамлакат келажиги мана шу даргоҳда таълим-тарбия олаётган ёшлар қўлида.

Шу ўринда таъкидлаш ўринлики, жамият тараққиёти, миллат фаровонлиги ҳаммаша ёш авлоднинг таълим-тарбияси, замонавий билимларни чуқур эгаллаган янги кадрлар, уларнинг юксак маънавияти билан боғлиқ бўлиб келган. Юртимизда кейинги тўрт йилда таълим-тарбия соҳасини тубдан ислоҳ қилишга алоҳида эътибор қаратилиб, ёшларнинг жаҳон андозалари даражасида замонавий билим ва касб-ҳунарни эгаллаш, жисмонан ва маънави етук инсонлар бўлиб ўлгайиши, уларнинг қобилият ва истеъдодини, интеллектуал салоҳиятини юзага чиқариш, ёш авлод қалбига Ватанга садоқат ва фидойилик туйғуларини юксалтириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Ёшларимизнинг билим олишлари учун тўғри тизим яратилса, мамлакат тараққиётга ўқ бориши, шубҳасиз. Зотан, инсоннинг қадри илм билан юксалиб, камолотга етиши мана шу жиҳатлар билан бевоқифа боғлиқдир.



КУЧЛИЛАР БАҲСДА ТОБЛАНАДИ

Туманимизнинг тоғли худудларидан жойлашган қатор умумтаълим мактабларида фанлар йўналиши бўйича ўқув семинарлари, қизиқарли баҳс-мунозаралар, учрашув ва мусобақалар ўтказиб борилиши кенг анъана тусини олган. Шунинг учун ҳам мактаб ўқувчиларининг илм-фан ва янгиликларга бўлган қизиқиш ва интилишлари янада юқори.

Улар ҳар бир фанни чуқур ўзлаштиришлари, инновацион янгиликлардан доимий хабардор бўлишлари учун ҳаракат қилмоқдалар. Бу ишларнинг ижобий самаралари бераётганлиги эришилган ютуқлар мисолида ҳам яққол тусинга ташланмоқда.

Кўзга ташланми бўлими томонидан 12-сонли умумтаълим мактабида очик дарс машғулотлари

ўтказилди. Унда тумандаги мактабларнинг 70 нафардан зиёд бошланғич синф ўқитувчилари ўзаро баҳс олиб бордилар. Бу семинарда мактабимизнинг 6 нафар бошланғич синф ўқитувчиларидан Н.Қосимова, Ч.Ҳасанова, Д.Жураева, С.Ражабова, В.Чориева, Н.Қамбаровалар иштирок этишиб, голиблик учун кураш олиб бордилар. Ўтказилган семинардан сўнгра якуний босқичда ўқитувчилар томонидан ўтилган дарслар туман миқёсида оммалаштириш учун тавсия этилди. Шунинг ҳам қайд этиш лозимки, очик дарс жараёнида ўқитувчиларимиз турли ўргазмали курашлар, янги педагогик-замонавий технологиялардан самарали фой-

БАРЧАГА МАНЗУР БҮЛДИ



Президентимиз томонидан Президентининг 5 та муҳим ташаббуси ижросини таъминлаш мақсадида «Очқ эшиклар кўни» ташкил этилди. Мазкур ўйинда халқ депутатлари Шеробод, Қизилрик, Музработ ва Бойсун туманлари Кенгаши котибияти ходимларидан иборат жа-

моалар иштирок этишди. Ўйин якунларига кўра, «Парламент ўйинлари» спорт мусобақасининг волейбол тури бўйича худудий босқичи голиби халқ депутатлари Шеробод тумани Кенгаши жамоаси, эркаклар ўртасида стол тенниси тури бўйича худудий босқичи голиби Халқ депутатлари Кизилрик тумани Кенгаши жамоаси, аёллар ўртасида стол тенниси тури бўйича худудий босқичи голиби Халқ депутатлари

АҲОЛИНИ РҲЙХАТГА ОЛИШ 2023 ЙИЛДА ЎТКАЗИЛАДИ

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони ҳамда «Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепцияси»да аҳолини рўйхатга олиш тadbирининг мақсади ва асосий вазифалари ариштирилган бўлиб, тadbирни ўтказишга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш босқичлари белгиланган эди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги 710-сонли қарорига асосан аҳолини рўйхатга олиш тadbирлари 2023 йилга қўйилиб, тайёргарлик ишларини босқичма-босқич амалга ошириш белгиланди.

Аҳолини рўйхатга олиш ишончли маълумот, узоқ мuddатли прогнозлар, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш, барқарор ривожланиш миллий мақсадлари индикаторларини шакллантириш, меҳнат ресурслари жойлашуви ва улардан фойдаланиш жараёنларини ўрганиш ҳамда илмий тadbиротларни олиб бориш учун муҳим ҳисобланади.

2021 йил 1 апрелга қадар аҳоли пунктлари ва кўчалар ном белгилашни ўрнатилиш, хонадон ва уйлари тўлиқ рақамлаш ишлари якунига етказилади.

Одатда, февраль ойи турли хил тadbирларга жуда бой ҳисобланади. Утган ойда барча таълим масканларида ўтказилган математика-информатика фани ойлиги ҳам учрашув, суҳбат ва қизиқарли таассуротларга бой бўлганлиги билан муҳим аҳамиятга эга бўлди. Йилгили туман Халқ таълими бўлими услубчиси Диплом Мажидова иштироки ва бевоқифа раҳбарлиги остида ўтказилди. Тумандаги барча мактаб-лирнинг фани ўқитувчилари, соҳа мутахассислари дастлаб ҳамкорликда таълим даргоҳларидаги

СЕМИНАРЛАР САМАРАЛИ ЎТМОҚДА



шарт-шароит, тайёргарлик жараёнлари, муаммо ва келгусидаги режалар хусусида ўзаро фикр алмашиб олдилар.

Мен ҳам математика ўқитувчиси сифатида 54-сонли мактабнинг 9-синфида «Айниятни исботланг» мавзусида бир соатлик дарс олиб бордим. Ушбу дарс жараёнини ўндан ортиқ математиклар кузатиб боришди. Кузатишлар тахлили фаоллар залида чуқур таҳлил қилиниб, ўрганиб чиқилди. Шундан сўнгра, менинг ўтган дарсим кенг оммалаштириладиган бўлди. Бундан мамнун бўлдим. Қолаверса, ўзимга бўлган ишончим, иштиёқим, қизиқишим янада ортди.

Тadbир сўнгида, «Бир миллион дастури» лойиҳаси асосида ўқув машғулотини ўтказилди. Бундай тadbирларни мунтазам равишда ўтказиб бориш фойдадан холи эмаслиги таъкидлаб ўтилди.

**Н.ХУЖАЕВА,
54-сонли мактабнинг
математика фани
ўқитувчиси**

КИТОБХОНЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ



Ота-оналар фарзандлари билан тарбия борасида суҳбатлаш ишлари учун баъзан ойналаб, хатто йиллаб вақт топа олмаётдилар. «Оммавий маданият», «демократия бу фақат ўзи учун яшаш» деган бузғунчи гоғлар авж олаётган бир даврда, биз ўзбек оилаларида миллий қадриятларни сақлаган ҳолда фарзандларимизга китобга бўлган меҳрини, қизиқишини ёшлигиданок сингдириш лозим.

Бугунги кунда болаларни тарбиялаш жараёнида нафақат ин-



сонлар, балки қўшимча таълим воситаларининг ҳам ўрни беқийёс. Масалан, китоб, газета ва журналлар, виртуал ўйинлар, турли кўринишдаги тарбиявий аҳамиятга эга ўйинчоқларга ҳам талаб ортиб бормоқда. Гарчи виртуал оламнинг аҳамияти ва тезлиги юқори бўлсада, ҳозирга қадар жамиятимизда ўз ўрни ва аҳамиятини йўқотмаган китоблар, аниқроғи фарзандларимизни ёшлигиданок, оила муҳитида китобга

қўшлари билан томошабинларини ҳушнуд этган бўлса, Фафур Фуломнинг «Шум бола» асаридики парчалари ва маромига етказиб ижро этилган халқ қўшиқлари билан барчага олам-олам завқ-шавқ улашди. Айниқса, тadbирда мусиқа фани ўқитувчиси Мурод Тураев томонидан ижро этилган қўшиқлар иштирокчилар олқишига сазовор бўлди.

**Турсунои ПАРДАЕВА,
44-сонли мактабнинг
маънавий-маърифий
ишлар бўйича директор
ўринбосари**

гўдак илк тасаввурни, илк тарбияни ўз оиласи ва ота-онасидан олади «Бола бамисоли оқ қозоғандир, виртуал битсанг, ана ўшани оласан» деган ҳикматлар замирида ҳам асрий қадриятларимиз мужассамдир.

Касбим тарбиячи педагог бўлганлиги, сабабли бир неча йиллардан бери болажонлар билан бирга ишлайман. Турли муҳит, турли оилада воғга етган болаларнинг баркамол инсон бўлиб шаклланишида, тарбиячиларнинг ўрни ва педагогик тажрибаси, албатта беқийёс.

Статистиканинг кўрсатишича, мактабга ёшдаги болаларга ота-она китоб ўқиб бериш, китобга бўлган қизиқиши юз фоиз бўлган.

Бундан кўриниб турибдики, фарзандларимизни мактабга ёш даврдан то мактаб даврига қадар ота-оналар биргаликда китоб ўқишлари, уй вазифаларини назорат қилишлари лозим. Зеро сиз бағринида ардоқлаб, ҳеч қимдан кам қилмади ундирётган навиҳолигиниз, келажикда буюк навоийлар, бериунлар, соҳибқиронлар бўлиб етишишлари даркор.

**Мақсуда АБДУРАУПОВА,
Термиз Давлат университети
1-босқич магистранти**

ЎЗИМИЗНИНГ ГАЛЯ ОПАМИЗ



Бор билимини соҳасига сарф этган, Сиз мўтабар аёлларга тавалло. Сиз ҳам оила гултожисиз, билсангиз бешак, Байрамнингиз муборак, азиз аёллар.

Сиз суратда кўриб турган мана бу бир-бирдан хушрўй ва латофатли опа-сингилларимиз Шеробод туман шахсий таркиб хужжатлари давлат архивидан бир неча йиллардан буён самарали фаолият кўрсатиб келишмоқда.

Шеробод туманлараро Давлат архиви Ангор, Бойсун, Шеробод ҳамда Термиз туманларидаги ташкилотлар, корхона ва муассасаларига архив хизмати кўрсатиб келган бўлса, 2020 йилнинг 14 майдан бошлаб Шеробод туман ҳокимининг қарорига асосан қайта ташкил этилди.

Айни вақтда, бу ерда Галя Абузарова, Лола Хужаназарова, Фарангиз Ачилова каби фидойи касб эгалари хизмат қилишди.

Галя опамизнинг яна бир фазилати шундаки, у кишининг қабулига қачон борманг, сизни доимо очиқ чехра ва ҳушмуомалик билан кутиб олади. У киши кўпчиликнинг меҳрини, ҳурмат-эъзозини қозониб келаётган аёллардан бири, дейди архив ходими Шароф Куллуев. Шунинг учун ҳам келган муружатчилар тез фурсатда ўз юмушларини хал қилиб, бу ердаги ишчи-ҳодимларнинг тезкор хизматларидан жуда мамнун бўлишди.

Фурсатдан фойдаланиб, биз ҳам ушбу соҳа вакилларини бугунги хотин-қизлар байрами билан чин қалбдан табриқлаб, уларга соғлиқ-саломатлик, узоқ умр, ишларига раванг тилаймиз.

Шерали АЛИЁР

ТОЖ УЗРА ПОРЛАГАН ГАВҲАР

Баҳор фаслининг илк куниди туманимиздаги 3-сонли мактабда Ўзбекистон Халқ шоири Зулфияхоним таваллудининг 106 йиллигига бағишлаб "Тоғ узра порлаган гавҳар" мавзусида мусиқали кеча ўтказилди.

Мусиқали кечани 3-сонли мактабнинг директор ўринбосари Д.Сатторова очиб берди. Шундан сўнг ўқувчилардан Ж.Раҳмонкулова, Ш.Амиркулова, К.Тоғаймуродова, И.Ибрагимов, Г.Қоранонова, С.Алимова, А.Хўжамуродовлар Зулфияхонимнинг "Не гўзал дамлар бу", "Баҳор келди сени сўроқлаб", "Яна баҳор ҳокими", "Урик гуллаганда", "Эъозлар, ардоқлар учун ташаккур" номли шеърларини ёддан ўқишди ва ўзлари тайёрлаган "Баҳор вальси" мусиқий гўлдастани иштирокчиларга тақдим этишди.

Ушбу тадбирни тайёрлашда туман маданият маркази ходимлари яқиндан ёрдам бердиши.

М.МУҲАММАДИЕВА,
туман Кўзи оҳизлар маданият маркази тўғрак раҳбари

КАСБИДАН ЭЪЗОЗ ТОПГАН АЁЛ



Мақтаб номли муқаддас масканнинг пайдо бўлганига 5 минг йилдан ошди. Бу даргоҳдан олинган ҳар бир сабоқ инсонни эзуғликка ошно қилиб, маънавий дунёсига ёруғликлар олиб киради. Президентимизнинг таълим соҳасига қаратаётган катта эътиборлари биз ўқитувчиларнинг зиммасига ўз ишимизга янада масъулиятли бўлишга ундамоқда.

Мен иш фаолиятим давомида шунинг билдимки, агар мактабда тажрибали, бу қутлуг даргоҳни ўзининг иккинчи уйи деб билган устоз муаллимлар кўп бўлса, бундай жамоада соғлом муҳит барқарор бўлиб, таълим самарадорлиги ошиб боравераркан.

37 йиллик иш тажрибасига эга бўлган 5-сонли мактабнинг бошланғич синфлар метод услубий бирлашмаси раиси Жаммила Нормуродова мактабимиздаги барча бошланғич синф ўқитувчиларининг севимили устозидир.

1990 йилда Термиз Давлат университетини тавомлаган Жаммила опа ҳамон ўз ўрнини ўқувчи қавмида давосиз деб билиб, минг лаб жажжи ўғил-қизларга таълимнинг илк сабоқларини улаштириб, улар қалбини маънавият оламига

ошно этиб келди.

Қадимдан маълумки, математика-фанлар отаси, она тили ва адабиёти фани эса уларнинг онаси саналади. Негаки, бу икки фаннинг сир-асрорларини ўқувчи бошланғич синфларидаёқ пишиқ ҳолда ўзлаштириб олса, келгусидаги ҳаёт йўллариди қийинчиликларни бемалол енгиб ўта олади.

Биз шоғирдлар яқинда опанинг дарс ўтиш жараёнидан ян-

гиликларни ўрганиш мақсадида, у киши ўқитаётган 4 «А»-синф ўқувчиларининг она тили ва математика фани машғулотларини кузатдик. Натижалар шунини кўрсатдики, юқоридидаги фанлар бўйича олинган ёзма ишлардан мавжуд 31 нафар ўқувчиларнинг 26 нафари «5» баҳога, 4 нафари «4» баҳога, бир нафари қонқарли баҳога лойиқ топилди. Ўқувчиларининг саводхонлигини 97 фоизга олиб чиқишга эришишда Жаммила опанинг ўз ўқувчиларига доимо талабчан бўлиб, касбини меҳр билан эъзозлаганлиги тинимсиз изланишлари натижасидандир.

Касбий фаолиятини тирикчилик манбаи эмас, мурғак қалб эгаларига илм сирларини ўргатиш билан ўз ишидан халқимиз фарзандларига наф улаштирдан завқ-шавқ олиб ашаётган устозимизни 8 март ва Наврўз байрами билан шоғирдлари номидан муборакбод этаман.

Барчамизга устознинг касбий йўлидаги шижоат кучи ҳамроҳ бўлсин.

Наргиза МАЛИКОВА,
5-сонли мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси

Хусния ҚОДИРОВА, 1-сонли Мактабгача таълим ташкилоти тайёрлов гуруҳи тарбиячиси

Юртимизга фасллар келинчаги бўлган баҳор ўз сепини ёйиб таширғи бурди. Қушлар чуғури осмонни тутди. Дарё ва анҳорлардан шарқароб сувлар окди. Лола қизгалдоқ ва чучумолларнинг гўзаллигидан борлиқ яшнади.

Йиллов ва қир-адирларда турналарнинг, кўй-қўзиларнинг маърашлари, «кур-ей, кур-ей» овозлари оламни тутди.

Табият уйғонди, ҳаёт жонланди. Далаларни тарқотларнинг шовқини тутди. Дехқон бобо баҳорнинг биринчи кунидан елкасига кетмонини ташлаб қадрдон



даласи томон ошиқди. Барча жойда бўлгани каби, туманимиздаги 1-сонли Мактабгача таълим ташкилотиди ҳам ушбу айёмни зўр шодиданлик билан қарши олдилар. Дастлаб тадбир-

ни мактабгача таълим ташкилоти мудираси С.Қаҳқорова очиб, барча иштирокчиларни байрам билан муборакбод этди. Тадбирда тайёрлов гуруҳдан 6 нафар қизлар ўз маҳоратларини намойиш этишди. 5 та шарт буйича беллашув олиб борилди. Байрам тадбири жуда мазмунли ўтди. Тадбирда туман Мактабгача таълим бўлимидан Н.Одинаева 1-Мактабгача таълим ташкилоти ота-оналар қўмитаси раиси Саодат Сафарова, Мактабгача таълим ташкилоти жисмоний тарбия йўриқчиси М.Ҳасанова ҳакамлик қилишди.

Тадбир сўнггида Шаҳзода Шониезова, Чарос Бобошарипова, Азиза Шералиева, Муниса Зойирова, Кумуш Эшмўминова, Руҳшона Ибрагимовалар белгиланган наминациялар буйича гўлиб деб топилдилар.

Тадбир сўнггида Шаҳзода Шониезова, Чарос Бобошарипова, Азиза Шералиева, Муниса Зойирова, Кумуш Эшмўминова, Руҳшона Ибрагимовалар белгиланган наминациялар буйича гўлиб деб топилдилар.

Тадбир сўнггида Шаҳзода Шониезова, Чарос Бобошарипова, Азиза Шералиева, Муниса Зойирова, Кумуш Эшмўминова, Руҳшона Ибрагимовалар белгиланган наминациялар буйича гўлиб деб топилдилар.

Тадбир сўнггида Шаҳзода Шониезова, Чарос Бобошарипова, Азиза Шералиева, Муниса Зойирова, Кумуш Эшмўминова, Руҳшона Ибрагимовалар белгиланган наминациялар буйича гўлиб деб топилдилар.

Мактаб ҳаёти



Мактаб ўқувчилари учун дарсдан буш пайтлариди ташкил этиб бориладиган ҳар бир тадбир борки, у бола руҳиятини шаклланти-

ришда муҳим роль ўйнайди.

3-сонли мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Гулноза Шоназарованинг 2-«Д» синф ўқув-

чилари иштирокида уюштирган бу галги тадбири шоира Зулфияхонимнинг таваллуд айёми муносабати билан унинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланди. Барча ўқувчиларнинг кўнглига солган баҳорий илиқликлар, янгича дунёқарашлар эрта тонгданок уларни мактаб бағрига чорлади. Бўлиб ўтган тадбирда барча синф ўқувчилари ўзларининг фаоллигини кўрсатишга чин дилдан киришишди.

Шоиранинг баҳор, Она, Ватан ҳақидаги шеърларидан парчалар ўқиб, қўшиқлар ижро этиб, рақсга тушган жажжи ўғил-қизларнинг кўнгли дунёси бир олам таассуротларга бўён бўлди.

Абдулло МУҲАММАДИЕВ.

ОНАМ

Йиллар ўтмоқда жуда шошилиб, Ёшимга яна ёшлар кўшилиб. Оналик гамларин елкамга ортиб, Она ёнингизга бораман шoshiб.

Онаман фарзандим суюман тўлиб, Оналик гаштини суйгандай бўлиб. Ҳатто сиқилганда ишлардан толиб, Она ёнингизга бораман шoshiб.

Онамнинг юзлари гулгундир, нурли, Ҳар бир қарашлари оташдай сирли. Кўнгил ёғдулари, меҳрдан тўлиб, Шу боис ёнингизга бораман шoshiб.

Бизларни кутасиз, интиқсиз шунча, Неварларимга дея, ёпасиз кулча. Кизим деб чорлайсиз, эркалаб суйиб, Она ёнингизга бораман шoshiб.

Кани энди қайтса, болалик чоғим, Ота-онам менинг-суйанган тоғим. Улар менинг борлигим-бахтим, Савлатим, давлатим, суючим-тахтим. **Мафтуна АРОМИДИНОВА**

БАҲОРОЙ

Қорлар эриб, -яшнади тоғлар, Гуллар ичра-бурқанди боғлар. От изидан иярган бир той, От киш бўлди, -тойдир баҳорой!

Кўклам кулиб, -кўзлар қувонди, Гўзалликка барча ишонди. Гўзалликнинг қиёсидир -ой, Ойни уялтирди бугун баҳорой!

Дехқон қўлларига-ушлади кетмон, Адирга чорвани ҳайдади-чўпон. Ёмғирнинг сувидан тўлиб оқар-сой, Мўл-кўлчилик билан келди баҳорой!

Кеча эккан ниҳол, -барг ёзди бугун, Ҳаммада табассум, -чехраси-гулгун. Ҳеч ерда қолмади мотамсаро жой, Фақат қувонч билан-келди баҳорой! **Шерзод БУРОНОВ,** «Ҳакимобод» маҳалласи

ОНА

Юзи кулса онамни, Кўзи бўлар маъноли, Тоза қилар хонамни, Бизда бўлар ҳаёли.

Кўзингиз бўлмасин нам, Сизни севамиз онам. Дунё турганча туринг, Сигдиради кенг олам.

Байрамларда табриқлай сизни, Дунёга келтирдирингиз-ку бизни. Жоним фидо қилсам ҳам кам, Оқлариманман, оқ сунтингизни

Махлиё АБДУРАЙИМОВА, 72-сонли мактаб ўқувчиси

МЕҲРИБОН ОПАМ

Сочайин бахт кўёшини, Опажоним бор бўлинг. Табриқлайин байрам билан, Бахтимга доим соғ бўлинг.

Опам қалби нурларга тўлди, Қувончларин ёйиб келди. Йиғласам йиғлаб адо бўлди, Опа ҳеч ҳам йиғламагн энди.

Жигар бўлиб ўтайин, Дардингизни ювайин. Гуллар териб қирлардан, Пойингизга ёйайин.

Опажоним гулдайсиз, Жаннатларда юргайсиз. Гуллар териб бергаймиз, Опажоним гавҳарим.

Жамшид ҚАРШИЕВ, 72-сонли мактабнинг 11 «А»-синф ўқувчиси

МИСЛИ КЕЛИНЧАК

Қирларда лолалар очилди, Баҳорини эслатиб ҳамон. Кўёш нурлари сочилди. Қалбимизни нурга тўлдириб.

Дарахтлар очибди куртак, Тоғларда қизгалдоқ бойчечак. Болалар уйнаб-кулиб, учирар варрак, Баҳор худди мисли бир келинчак.

Гавҳар КҲЧАРОВА, 72-сонли мактаб ўқувчиси

БАҲОР КЕЛДИ

Эрта тонгда кун, Ажойиб бугун. Қирга чиқамиз, Ялпиз терамиз.

Ҳамма уйнасин, Дилдан яйрасин. Биз билан бирга, Борингиз қирга.

Ох, қандай маза, Ҳавоси тоза. Дўстим уйнайил, Гулдай яшнағил.

Сени кутади, Гул-у лолалар. Шодлик кўшигини, Куйланг болалар.

Тонг чоғи майин, Шамоллар елди. Чунки юртимга, Баҳорой келди.

Феруза САФАРОВА, 43-сонли мактабнинг 6-синф ўқувчиси

БОЙЧЕЧАК ИФОРИ

Баҳор келди, бойчечакка эргашиб, Баҳор келди, бодом гулида. Баҳор келди, мейна шабодо билан, Баҳор келди, баҳор дўстларим.

Баҳор келди, оппоқ орзулар билан, Баҳор келди, боғлар гуллади. Баҳор келди, севги-муҳаббат билан, Баҳор келди, баҳор дўстларим.

Баҳор келди қизлар жамалади, Баҳор келди табиатнинг камалади. Баҳор келди Фотма биби сумалади, Баҳор келди, баҳор келди дўстларим.

Тешабой БОБОВЕВ, 54-сонли мактабнинг бошланғич синф ўқувчиси

МЕҲРИБОНГИНАМ ОНАЖОНИМ

Ҳаётда энг гўзал меҳрибонгинам, Доимо ёнимда ширин сўзгинам. Дард чексам ёнимда интизоргинам, Омон бўлинг бахтимга онажонинам.

Бошимга кўтарай жаннатим бўлинг, Ёнимда доимо савлатим бўлинг, Дадам билан иккингиз давлатим бўлинг, Ҳаётда сиз менга ҳамроҳ бўлинг.

Жаннат хурларидан сизга гулдаста, Мен сизга бўлайин энди пайваста. Ёнингизга бораман ҳали албатта, Йўлингизга тўшай гуллар бир даста.

Дурдона ТҲРАЕВА, 68-мактабнинг 9 «Б»-синф ўқувчиси

НАВРҲ

Баҳор келди элимизга, Бошланди кўп байрамлар. Байрамларнинг ичиди, Энг яхисин Наврўзой. Гуллар очилар энди, Қушлар чуғурлар энди. Қувончга тўлди олам, Жамалак тоқар қизлар. Уғил болаларга мазза, Варрак учирар ёзда.

Ҳайитгул АБДУГАФФОРОВА, 68-сонли мактабнинг 9 «Б»-синф ўқувчиси

Шеробод тумани, «Узунсой» маҳалласида яшовчи Қултўраев Содик Аҳмедовичга тегишли ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқолганлиги маълум қилинади.

«Шеробод ҳаёти» газетаси жамоаси Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси, таниқли журналист **Жўра ЭРСОАТОВ**нинг вафоти муносабати билан оила-аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

ЮРТИМИЗ ЖАННАТМОНАНД ДИЁР

Дунёда шундай бир гўша борки, у юртининг тоғу-тошларини, гўзал ва хушманзара табиатини, тип-тиник бўлоқ сувларини, ҳар бир қарич тупроғини таърифлашга тилимиз ҳам, қаламимиз ҳам оҳиздир. Унинг киши ҳам, баҳорини ҳам, ёзи-кузи ҳам ўзига хос бетакдор ва ўжашми йўқ бир макон ҳисобланади.

Бир-бири тотли ва мазали олма-узумлари, шафтоли гилослари, тилими тилни ёрадиган қовун-тарвузлари, беҳи ва анор-

ларини айтмайсизми?

Сиз баҳор ойларида Шерободнинг сўлим табиатини, тоғларини кезганмисиз? Ёки ёз ойларида дарё ва анҳорлариди мириқиб чўмилганмисиз, поллизларидаги қовунларидан маза қилиб татиб кўрганмисиз? Кумуш қишининг, зумрад олтин кузининг ўзига хос фазилати ҳақида қанчалар таъриф этмайлик, барибир шоирчалик сўз бойлигимиз камлик қиладу.

Мана опа-сингилларимиз, муҳ-

тарам оналаримиз байрами ҳам бутун юртимиз узра кенг нишонланмоқда. Уларнинг ўзларига ярашган либослари, миллий баҳорий кийимлари ҳар қандай кишини ўзига мафтун айлайди. Яна бир бор барчангизни баҳорий улуғ айёмларингиз билан табриқлайман, азиз ва муҳтарам аёллар!

Шукрона ТОҒАЙМУРОДОВА, 68-сонли мактабнинг 9 «В»-синф ўқувчиси

«ШЕРОБОД ПАХТА ТОЗАЛАШ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Шеробод пахта тозалаш» акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2021 йил 24 март кунини ўтказилади. Умумий йиғилиш соат 10:00да Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани, Мустақиллик кўчаси, 1-уйда жойлашган «Шеробод пахта тозалаш» акциядорлик жамияти маъмурий биносининг мажлислар залида ўтказилади.

Йиғилиш катнашчилари рўйхатга соат 9:00 бошланади. Жамиятнинг расмий веб сайти: www.Sherobodpaxta.uz

Кун тартибидидаги масалалар: 1.Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.

2.Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.

3.Жамиятнинг 2019 йил якулари буйича аудитдорлик ташқи-лотларининг ҳулосаларини тасдиқлаш.

4.Жамиятнинг 2019 йил якуни буйича йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий натижаларини тасдиқлаш.

5.Жамиятнинг 2019 йил якуни буйича олинган соф фойдасини тасдиқлаш.

6.Жамиятнинг 2019 йил якуни буйича корпоратив ҳужжатларини тасдиқлаш.

7.Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг «Республика худудларида пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришларини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2019 йил 18 ноябрдаги 914-сон қарори иж-

росини таъминлаш буйича «Шеробод пахта тозалаш» акциядорлик жамиятига қарашли пахта тайёрлов масканларининг бино ва иншоотларини пахта тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлар ташкилотларига сотиш билан боғлиқ йирик битим тузиш тўғрисида.

Шу билан бирга, «Шеробод пахта тозалаш» акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини умуумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга жамият акциядорларининг реестри 2021 йил 18 март ҳолатига шакллантирилди.

Акциядорлар ўзлари билан шахсни тасдиқловчи ҳужжат-паспорт ҳамда уларнинг вакиллари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари шарт (жисмоний шахслар учун-нотариус томонидан тасдиқланган, юридик шахслар учун-мазкур юридик шахс томонидан берилган).

Акциядорлар акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши тўғрисидаги маълумотлар билан «Шеробод пахта тозалаш» акциядорлик жамияти маъмурий биносидида танишишлари мумкин.

Акциядорлар қўшимча маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

Шеробод тумани, Мустақиллик кўчаси, 1-уй. Электрон почта: sherobodpaxta@gmail.uz Тел: 94-465-74-42, 94-209-35-40, 94-465-76-16

ШЕРОБОД ҲАЁТИ

Бош муҳаррир: **Тўраназаров Эркин Турдиевич** Масьул навбатчи: **Алиёр Ражабов**

«Шеробод ҳаёти» газетаси ҳажми А-2 бичимда, 2 босма табоқ, «Шеробод ҳаёти» газетаси «Денов босмаҳонаси» МЧЖда чоп этилди. Манзил: Денов шаҳри Ш.Рашидов кўчаси, № 247 уй.

«Шеробод ҳаёти» газетаси компьютер марказида терилди ва саҳифаланди Саҳифаловчи: **Шерали АЛИЁРОВ.** Матн терувчи: **М.АРОМИДИНОВА**

Манзилимиз: Шеробод тумани, «Тароқли» маҳалласи. Телефон: 76-32-25-303 3550 нусхада босилди. Буюртма Г-31

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқлиниши мумкин

«Шеробод ҳаёти» газетаси Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармасининг 2020 йил 11-февралдаги 11-075-сонли рақами билан рўйхатга олинган.

МУАССИС: Халқ депутатлари Шеробод туман Кенгаши ва туман ҳокимлиги